

Гулбаҳор Раҳимова Валижонова
ФВХТХҚТМОИ Педагогика фани ўқитувчиси

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШДА
ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Калит сўзлар: Инсон ақлий салоҳияти, ижод қилиш, ақлий тафаккур, илғор тафаккур усуллари, ўқувчи – ёшлар, интеллектуал салоҳият, педагогик жараёндаги янгиланишлар.

Бугунги кунга келиб, инсон ақлий салоҳияти нақадар бой эканлиги яратувчанлик қувватининг мавжудлигини назарда тутиб, ақлий имкониятларни янада такомиллаштиришнинг кўпгина янги технологик усуллари имкониятлари кенгаймоқда.

Миллионлаб ёшларимиз илм олиш, ижод қилиш, ақлий тафаккурни янада ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини замон талабига мослаштириш, дунё ёшлари билан беллаша олиш руҳияти ила яшаётган бир даврда, имкониятларнинг янада самарали ечимли йўллари яратмоғимиз, ёш мутахассис кадрларни ақлан етук, манан бақувват қилиб тарбияламоғимиз керак эмасми.

Хўш биз, бу борада, қандай қилиб, ақлий ва ижодий мукамалликка эришмоғимиз мумкин? Қандай қилиб, мутахассис кадрларимизни, буюк аждодларимиз каби, ақлий тараққиётини шакллантиришимиз мумкин?

Ўтмишни қайтара олмаслигимизни билатуриб айтиш мумкинки, миллатнинг истиқлол туфайли миллий уйғониши янги замон талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ равишда шаклланади, Ер юзидаги умумбашарий маданият тараққиёти доирасида ривожланади. Бошқа сўз билан айтганда, таълимнинг замонавий технологиялари замон талабига жавоб берадиган, инсоннинг интеллектуал қувватини кўтара оладиган оммавий усулдир. Шубҳасиз, бу технологиялар ҳар қанча қимматга тушмасин барча ёшларни маърифат нури билан мунаввар қилишда, илғор тафаккур усулларида бохабар этишда жуда катта ўрни бор¹. Таълимнинг бу янги усуллари

¹ Б.Р.Қодиров Ақлий истеъдод – XXI асрнинг энг қимматли мулкидир. Тошкент – 1999й. Б.7

миллионлаб ёшларни замонавийлаштиришга, уларнинг замон рухи ва талабларига мослашишларига, маънавий ва ғоявий мукаммаллашишларига, шубҳасиз, ёрдамлашади.²

Шу билан бирга жаҳоннинг илғор мамлакатлари савиясига эришиш учун, миллат ўз интеллектуал потенциалини кўтариш йўлида яна нима ишлар қилмоғи кераклигини чуқур англагандагина тараққиётга асос яратган бўлади. Чунки халқ онгли равишда келажакка интиlmаса, яъни интилиш, янгиликни ўрганиш, ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш ғоялари оммавий тус олмас (жуда кўпчиликнинг онгини қамраб олмас) экан, ижодий тафаккур, мустақил фикрлай олиш ғоялари “қуруқ шиор” бўлиб қолаверади. Яъни ижодий ва мустақил тафаккурга эришишнинг бирдан бир омили бу ижтимоий онг ва у яратган ижтимоий талаб ва эҳтиёжлардир.

Биз ахборотлар асрида яшамокдамиз. Бу жараёнда унинг тарбиявий имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлган масаладир. Шу боисдан ўқувчи - ёшларни интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда замонавий ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, интернет, телевидение ва радиосиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги глобаллашаётган дунёда ахборот халқаро ва давлатлараро муносабатларда катта ўрин тутаётгани сир эмас. Шунинг учун, ҳозирги кунда ёш Ўзбекистонда ҳам очиқ ахборот-информацион технологиялар, компьютер ва интернет тизимида кузатилаётган турли хил ахборот манбалари воситасида юртимизда камол топаётган ёшларда ўзига хос фикрлаш тарзи ва дунёқараши кенг ёйилмоқда. Бу тарқалаётган ахборотлар орасида мутахассис кадрлар таёрлаш сифатини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган, ўз таъсир доирасига кўра ижобий характерда бўлган манбалар ҳам талайгина.

2 Ўша китоб: Б.7

Бироқ айрим ахборотлар ёшлар онгига салбий таъсир ўтказмоқда-ки, буларга шунчаки кўз юмиб кетиб бўлмайди. Масалан, турли хил ахлоқсиз, жангари фильмлар, турли хил оқимларнинг қарашларини ифода этадиган хабарлар, мамлакатимизда кечаётган ҳодисаларни нотўғри талқин қилишга қаратилган интернет сайтлари бунга мисол бўла олади.

Ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилишда бугунги кунда мамлакатимиздаги замонавий ахборот коммуникация технологияларидан, касб – ҳунар коллежи ўқувчиларининг улардан таълим олиш фаолияти давомида фойдаланишларида таълим-тарбия жараёнидаги ўрни борасида сўнгги йилларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ, аввало, мамлакатимиздаги мавжуд ўқув юртлари турли хил ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Таълим амалиётига замонавий компьютер, ахборот коммуникация технологиялари шиддат билан кириб келмоқдаки, машғулотлар бутунлай янгича шакл, усул, услубларда ташкил этила бошланди. Таълим муассаларида глобал ва локал тизимни масофадан ўқитиш, уни табақалаштириш индивидуаллаштириш имкониятлари вужудга келмоқда. Таълимни ахборот коммуникация технологиялари асосида йўлга қўйиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида ҳал этиладиган вазифа сифатида қаралмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга, оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 117 – сонли қарори; 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлантиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ – 3080 сонли Фармойиши муҳим рол ўйнади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг барча таълим муассаларида ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга мактаб ва ўқув юртларида ўрнатилган замонавий компьютер технологиялардан фақат “Ахборот технологиялари” фанини ўқитишда эмас, балки барча фанларни ўқитишда,

улардаги таълим – тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда унумли фойдаланиш ҳамда мультимедия ўқув воситалари ва ресурсларини яратиш йўналишлари белгиланган.

Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг барча босқичларида таълим амалиётида ахборот коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш, мультимедия таълим дастурларини яратиш, ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва оммалаштириш, элетрон таълим ресурсларини таълим жараёнига жорий этиш муҳим педагогик янгиланиш ифодаси бўлиб келмоқда. Бу эса ҳар бир ўқитувчининг компьютер саводхонлиги масаласини тезкорлик билан ҳал этишни талаб этади.

Таълим муассаларида масофавий таълимни амалга оширишда “Зиёнет” тармоғига тўлиқ улаш натижасида улар ягона ахборот таълим тармоғига эга бўлиб бормоқда. Бунда эса, педагогик жамоалар тез маълумот алмашиш имкониятига эга бўладилар; илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини, замонавий таълим технологияларини оммалаштириш жараёни тезлашади; яратилаётган электрон ўқув воситаларини таълим муассасаларига тезкорлик билан етказиш ва пировард натижада таълим олувчиларнинг Давлат таълим стандартлари талаблари асосида пухта ва чуқур билим олишларига реал шароит яратилмоқда.

Педагогик жараёндаги янгиланишлар – компьютер ҳамда ахборот коммуникация технологиялари асосида содир бўлмоқда, амалиётга татбиқ этишни тақозо этмоқда. Шунинг учун барча ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги ва ахборот – коммуникация технологияларига оид кўникмаларга эга бўлиш касбий эҳтиёжига ҳамда педагогик маҳоратнинг асосий элементига айланиб бормоқда.

Юқорида келтириб ўтилган мулоҳазалар, маълумотлар, хулосаларга таянган ҳолда педагоглар ўқувчи – ёшларни интеллектуал салоҳиятини оширишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда ва таълим-тарбия жараёнини ташкиллашда қуйидаги ташкилий-педагогик шарт-

шароитларини ҳисобга олишлари лозимлигини таъкидлаб, қуйидагиларни тавсия этамиз:

- ўқувчи-ёшларни интернет сайтларидан фанларга оид манбаларини олиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, малака ва кўникмаларини шакллантиришда уларни технологик йўналтириш;

- ўқитувчи-ёшларни электрон материалларини ўқиш, ўрганиш ва уларни амалда қўллашда самарали фойдаланишлари учун уларни технологик–педагогк жиҳатдан тайёрлаш, йўналтириш, малакасини ошириш;

- ўқувчи-ёшларда ахборот коммуникация технологиялари материалларига нисбатан тўғри ижобий муносабатни, маънавий-ахлоқий, эстетик дунёқарашни таркиб топтириш;

- ҳар бир педагог-ўқитувчилар электрон ахборот материаллари билан мунтазам танишиши, тарбиявий тадбирларнинг мазмунини улар билан бойитиб бориши;

- ота-оналар ҳам ўқувчи-ёшларга оилавий тарбия жараёнида ахборот коммуникация технологиялари материалларидан фойдаланиш, ундаги маълумотларни тўғри таҳлил қилиб, ақлий салоҳиятини оширишдаги кўникмаларини шакллантиришда аввало, ўзлари технологик малака эга бўлишлари лозим.

Ўқувчи – ёшларни интеллектуал салоҳиятини оширишда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш методлари, шакллари фанларни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологияларни яратишга ижодий шароит яратади. Зеро, ўқувчи – ёшларни интеллектуал салоҳиятини оширишда, ижодий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 т.-Тошкент, Ўзбекистон, 1996. -35 б
2. Б.Р.Қодиров Ақлий истеъдод – XXI асрнинг энг қимматли мулкидир. Тошкент – 1999й.